

БЎЁҚБОП ДРОК *GENISTA TINCTORIA* ЎСИМЛИГИНИ АЙРИМ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Давидов – ФарДУ доценти, Л.Таджибаева – ФарДУ ўқитувчиси

Манзарали интродуцент ўсимликлар ҳиёбон, парк ва боғларнинг кўрки ҳисобланиб, шаҳар, туман ва қишлоқларда архитектура ишларининг яшил безаги сифатида кенг фойдаланилмоқда (1;4). Шундай ўсимликлар қаторига *Genista tinctoria*ни ҳам киритишимиз мумкин.

Ушбу истиқболли интродуцент ўсимлик унчалик катта бўлмаган 190-280см бута ҳисобланиб, иқлимлаштирилган шароитда ўзига хос биоэкологик хусусиятга эга. *Genista tinctoria* L.(бўёқбоп дрок) Fabaceae оиласининг *Genista* туркумига мансуб доимий яшил ўсимлик унинг, Европа, Шимолий Америка, Жанубий Шарқий Осиёда 100 дан ортиқ турлари манзарали ва шифобахш ўсимлик сифатида экиб парвариш қилинади. Фарғона давлат университетиди 2004 йили экилган. Ҳозирда ўсимликнинг асос қисмидан бир нечта поялар ҳосил қилган бўлиб, диаметри 3-3,5 см бўйи 250-300 см. Барглари пояда қарама-қарши жойлашган қисқа бандли, ланцетсимон узунлиги 4,5-5 см эни 0,5-07 см. Баргларнинг бўғин ораликлари 10-12 см, поянинг 1-2-3 тартибли шохлари цилиндрсимон кўринишга эга.

Олиб борилган 2014-2016 йиллардаги фенологик кузатишлар ва тажрибалар шуни курсатдики, йиғиб олинган уруғлар экиб ўстирилганда ўсимликни ўсиш ривожланишига кўра 5-6 чи йилга бориб гуллаши кузатилди. 2014 йили баргларнинг ҳосил бўлиши март ойининг 10 кунига 2015-2016 йиллари мос равишда март ойининг 15-13 кунига тўғри келди. Пояларнинг ҳосил бўлишидан ғунчалаш давригача бўлган муддат ўртача 29-39, ғунчалашдан гуллашгача бўлган давр 12-15 кунни ташкил қилди. Гуллаш бошлангандан сўнг орадан 3-4 кун ўтиб, ёппасига гуллаш даври кузатилди. Ёппасига гуллаш 2014-йилда 14 майда, мос равишда 2015-2016 йилларда 10-13 майга тўғри келди (1-жадвал).

Бўёқбоп дроқ (*Genista tinctoria* L.) ўсимлигида фенологик кузатувлар
натижаси.

Ўсимлик номи	Кузатув олиб борилган йили	Ғунчалаш даври	Гуллашнинг бошланиши	Ғунчалашдан гуллашгача	Ёлпасига гуллаш даври	Якуний гуллаш даври	Мевалар етилишининг бошланиши	Ёлпасига мевалар
Бўёқбоп дроқ (<i>Genista tinctoria</i>)	2014	20.04	2.05	12	14.05	15.06	10.08- 13.08	13.10
Бўёқбоп дроқ (<i>Genista tinctoria</i>)	2015	15.04	28.04	13	10.05	13.06	18.08	20.10
Бўёқбоп дроқ (<i>Genista tinctoria</i>)	2016	18.04	03.05	15	13.05	11.06	13.08	15.10

Дроқ ўсимлигининг гуллари дуккакдошлар оиласи ўсимликлари каби ўзига хос морфологик тузилишга эга бўлиб, уларнинг очилишида 5 та босқични кузатиш мумкин (1-расм). Гулнинг яшовчанлиги муҳитга боғлиқ бўлиб, кун очик, ҳаво ҳарорати юқори ва қуруқ бўлса, гулнинг ёпиқ холдаги умри қисқаради, аксинча ҳаво булутли, намлик юқори бўлганида эса унинг умри 2-3 кунга узаяди.

Ўсимликнинг шингил тўпгулида гуллар пастдан юқорига қараб очилиб боради. Акропитал тартибдаги гулларнинг очилиши нафақат алоҳида тўпгул учун, балки бутун бир ўсимлик учун хослиги аниқланди. Ёлпасига гуллаш даврида 1 та новдада 2 тадан 20 тагача гуллар очилиши кузатилди. Бир туп ўсимликда эса 450-500 тагача гуллар ҳосил бўлиши кузатилди. Гуллар эрталабки соат 8⁰⁰ ларда, ҳашаротларнинг пайдо бўлиши билан очила бошлайди, 22⁰⁰ га қадар давом этди. Ҳароратнинг кўтарилиши ва ҳавонинг нисбий намлигининг пасайиши гулларнинг очилишига ижобий таъсир кўрсатади.



Бўёқбоп дрок (*Genista tinctoria*) ўсимлиги Фарғона иқлими шароитида бир неча йиллардан бери ўсаётганлиги уни яхши мослашганлигидан, совуққа чидамлилигидан дарак беради. 2014 йилдаги қишнинг қаттиқ совуқ бўлиши натижасида турли тропик, субтропик ўсимликлар ва мевали дарахтларнинг совуқдан шикастланиши кузатилди. Аммо бизнинг шароитимизда ўсаётган бўёқбоп дрок ўсимлигини ҳеч қандай ўзгаришсиз вегетациясини давом эттириши кузатилди.

Ўсимликнинг мевалаш жараёни ҳам пастдан юқорига акропетал тартибда амалга ошади. Мева шакли дуккакдошларга хос бўлиб, узунлиги 3-4 см, ранги қизғиш, жигарранг. Пишиб етилган мева ўсимликдан осонликча узилиб тушади.

2014 йилда йиғилган уруғлардан 100 донаси 2015 йилнинг март ойида лаборатория ва табиий шароитда экилганда шу йилнинг ўзидаёқ ўсиб чиқди ва унинг унвчанлиги лаборатория шароитида 85%, табиий шароитда 60% эканлиги аниқланди. Март ойининг ўрталарига келиб ёппасига униб чиқиши кузатилади. Табиий шароитда униб чиққан ниҳоллар ноябрь ойигача 30-40 смгача етди. Қишнинг совуқ келганлиги сабабли 1 йиллик кўчатларнинг 80% нобуд бўлди. Ниҳолларнинг айримлари илдиз бўғзидан яна янги новдалар ҳосил қилганлиги ва бу новдаларни ҳозирги кунда бўйи 30-35 смга етганлиги кузатилди.

Уруғ маҳсулдорлиги куртаклар сонининг 13 та бўлиши, пишиб етилган уруғларнинг сонини 6 та бўлиши, 1 та гулга нисбатан унинг реал уруғ маҳсулдорлиги 43 % ни ташкил қилиши ва бу уруғларни унвчанлигини юқори эканлиги бу ўсимликни Фарғона иқлим шароитида уруғ ёрдамида кўпайтириш мумкин эканлигидан далолат беради.

Бўёқбоп дрок (*Genista tinctoria*) ўсимлиги нафақат манзарали, балки бир қанча фойдали хусусиятга ҳам эгадир. Бу ўсимлик фармокологик нуқтаи

назаридан гемеостазни сақлаш, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи, танани умумий тетиклантирувчи, тинчлантирувчи, организмдан ортикча хлоридларни чиқарувчи, юрак атрофидаги оғриқларни тўхтатувчи хусусиятларга эга. Ер остки қисмидан тайёрланган дамлама қон томирларини кенгайтирувчи кучли антебактериал восита ҳисобланади.

Халқ табобатида илдизидан қуйидаги касалликлар: сариқ касаллиги, қалқонсимон без касалликлари, артрит, ревматизм каби касалликларни даволашда ишлатилади.

Бўёқбоп дрок ўсимлигини Фарғона иқлим шароитида интродуцент ўсимлик сифатида экиб кўпайтиришда вегетатив-қаламчалар ёрдамида, генератив - уруғ ёрдамида кўпайишини инобатга олиб, уни шахар, туман, қишлоқ, хиёбонлар, оромгоҳларга экишни тавсия этамиз.